

КОРРУПЦИЯ: МОҲИЯТ ВА ТАЛҚИН

Тохиржон Турғунович Мирзаев
Андижон вилояти юридик техникуми
кафедра мудири

Нилуфар Абдувахобовна Муминова
Андижон вилояти юридик техникуми
ўқитувчиси

АННОТАЦИЯ

Ҳуқуқий манбаларга кўра, “коррупция” сўзи латинча сўздан олинган бўлиб, “бузмок” деган маънони англатиб, мансабдор шахслар томонидан унга берилган мансаб ваколатлари ва ҳуқуқлардан ўзларининг шахсий манфаатларини кўзлаб, қонунчилик ва ахлоқ қоидаларига зид равишда фойдаланишини билдиради.

Калит сўзлар: коррупция шакллари, порахўрлик, йирик коррупция, майда коррупция

CORRUPTION: NATURE AND INTERPRETATION

Тохиржон Турғунович Мирзаев
Андижон вилояти юридик техникуми
кафедра мудири

Нилуфар Абдувахобовна Муминова
Андижон вилояти юридик техникуми
ўқитувчиси

ABSTRACT

According to legal sources, the word "corruption" is derived from the Latin word, which means "to violate", which means that officials use the official powers and rights granted to them for personal gain, contrary to the law and ethics.

Keywords: forms of corruption, bribery, large-scale corruption, petty corruption

КИРИШ

Сиз оддий фуқаросиз. Лекин шунга қарамасдан уйингиз остонангиздан чиқишингиз биланоқ “коррупция” билан боғлиқ ҳолатларга кўп маротаба дуч келасиз. Масалан, транспорт воситангизни бошқариш асносида, йўл ҳаракати қоидаларини бузган тақдирингизда йўл ҳаракати хавфсизлиги ходимларига, болангизни боғчага жойлаштириш учун боғча мудирасига, қизингизни ўқишга киритиш учун бирон-бир ўқитувчига, проректор ёки ректорнинг ўзига воситачилар орқали, ўзингиз учун яхшироқ ишга ўтиш истагини амалга ошириш учун пора бериш зарурияти... Бу ҳаммамизга таниш ҳолат, шундай эмасми? Бироқ, бу иллатнинг давлатнинг ривожланиши, жамиятнинг таракқий этишига қай даражада тўсқинлик қилаётганлигини биласизми? Бу иллатнинг ҳар

биримизнинг қон-қонимизга сингиб кетганлигини, истак ва хоҳишлар тезроқ амалга ошиши учун мажбурий ва ихтиёрий тарзда “коррупция” деган доирага қайта ва қайта киришни қандай изоҳлаш ва бартараф қилиш мумкин?! Бугун мавзуимиз шу ҳақда.

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ

Ҳуқуқий манбаларга кўра, “коррупция” сўзи лотинча сўздан олинган бўлиб, “бузмоқ” деган маънони англатиб, мансабдор шахслар томонидан унга берилган мансаб ваколатлари ва ҳуқуқлардан ўзларининг шахсий манфаатларини кўзлаб, қонунчилик ва ахлоқ қоидаларига зид равишда фойдаланишини билдиради.

“Коррупция” ҳодисасининг тарихи бир неча минг йилликларга бориб тақалади. Тарихий манбалар шуни кўрсатадики, коррупция эрамиздан аввалги Шумер подшолиги даврида ҳам мавжуд бўлган. Инсоният яралибдики, мазкур тушунча у билан ёнма-ён яшайди, унга қарши мунтазам равишда кураш олиб боради. Ҳар бир даврга монанд равишда коррупцияга қарши курашиш усуллари турлича кечади. Инсоният тарихидан далолатки, бу иллатни таг-томири билан буткул йўқотишнинг имкони йўқ. Фақат уни камайтириш имконияти мавжуд холос, ҳаттоки айрим давлатларда, масалан Хитой Халқ Республикасида коррупцияга оид жиноятларни содир этган шахсларга нисбатан, яъни жуда кўп миқдорда пора олганлиги учун жорий этилган ўлим жазоси ҳам ҳали ҳануз инсонларни бундай ҳолатларга йўл қўйиш ҳолатларидан қайтара олгани йўқ. Чунки инсоният бор экан, коррупцияга мойиллик, шу йўл билан ўз шахсий манфаатларини тезроқ ва қулайроқ усул орқали амалга ошириш давом этаверади.

Дунёнинг етакчи динларида ҳам порахўрлик салбий иллат сифатида қаттиқ қораланади. Масалан, насронийларнинг муқаддас китоби ҳисобланмиш “Инжил”да “Совғаларни қабул қилма, чунки совға кўрни кўрадиган қилади ва ҳақиқатни ўзгартиради” дейилган. Ислом динининг муқаддас китоби ҳисобланмиш “Қуръони карим”да “Бошқаларнинг мулкини ноҳақ йўл билан олманглар ва бошқаларга тегишли бўлган нарсаларни олиш учун ўз мулкингиздан ҳокимларингизга пора қилиб узатманглар” дейилган.

1787 йилда қабул қилинган АҚШ Конституциясида пора олиш АҚШ президентини импичментга тортиш мумкин бўлган икки жиноятнинг бири сифатида кўрсатиб ўтилган. Сиёсий партияларнинг вужудга келиши ва уларнинг мамлакат ҳаётидаги ўрнининг ошиб бориши XIX-XX асрларда ривожланган давлатларида дунёнинг бошқа мамлакатларига нисбатан анча камайишига олиб келди.

Сингапур 1965 йилда мустақилликка эришгач, коррупция даражаси энг юқори бўлган давлатлар қаторида турар эди. Лекин бу иллатга қарши ўтказилган бир қатор тадбирлар бу давлатда коррупциянинг минимал даражага тушишига олиб келди. Биринчи навбатда бу ерда бюрократик жараёнлар енгиллаштирилиб, судьяларнинг даромадлари ва имтиёзларни ошириш эвазига суд тизимининг мустақиллиги оширилди. Шу билан бирга коррупция жиноятлари учун санкциялар оғирлаштирилиб, фуқароларга коррупцияга қарши жиноятларни тергов қилишда ҳамкорлик қилишдан бош тортганлиги учун жуда катта молиявий санкциялар белгиланди. Бир қатор давлат идораларида оммавий “тозалашлар” ўтказилиб, бу жараёнлар телеканаллар орқали бутун мамлакатга намойиш қилинди. Давлат хизматчисининг ахлоқ стандартларига риоя этиши қаттиқ назорат остига олинди. Мазкур тадбирларнинг барчаси Сингапур давлатини қисқа муддатларда коррупция даражаси энг паст мамлакатлар рўйхатида илғор давлатлар қаторига олиб чиқди. Мазкур давлатда пора олишдан бош тортган амалдорларга мукофотлар тарқатилади. Сингапур давлатида кўплаб хизматларни масалан, паспорт ва туғилганлик ҳақидаги гувоҳномаларни уйда зарур шаклларда тўлдириб, тегишли органларга электрон почта орқали юбориш орқали олиш имконияти мавжуд. Ҳукумат бундай хизматларни Интернет орқали тақдим этиши одатий тарз сифатида қабул қилинади. Шунини таъкидлаш керакки, агар фуқаро ушбу хизматларни олиш учун муассасага шахсан ташриф буюрса, у ҳолда ушбу муассасага алоҳида эҳтиёжсиз келганлиги учун унга жарима солинади.

Японияда эса давлат сектори ходимларининг виждоний фаолият олиб бориши тегишли органлар томонидан доимий равишда баҳолаб борилади.

Жанубий Кореяда ҳукумат вақти-вақти билан давлат хизматчиларини имтиҳондан ўтказиб туради. Давлат хизматчисининг 5 даражасини олиш учун ўтказиладиган имтиҳон уч босқичдан иборат бўлиб, давлат хизматчиларининг ҳуқуқ, тарих, чет тили ва бошқа фанлар бўйича билимлари текширувдан ўтказилади. Иккинчи босқичда номзодларнинг касбий малакаси ва билимлари, учинчи босқичда номзоднинг шахсий хусусиятлари синовдан ўтказилади.

Америка Қўшма штатларида репортёр журналистлар коррупцияга қарши курашда энг самарали жамоат назоратини ўрнатган. Бироқ Ўзбекистонда журналистлар суриштирув ҳаракатларини ўтказиш борасида етарли билим ва малакага эга эмаслар. Ўткир танқидий мақолалар деярли йўқ ёки ёзилган тақдирда ҳам матбуот юзини кўрмайди. Авваллари Ўзбекистонда “Ҳуррият” деган мустақил газета бўлар эди. Мазкур газета ходимларининг ишлаш принциплари бошқа газета ходимларникидан тубдан фарқ қиларди. Мазкур газетада бирон-бир танқидий мақола ёритилса, бу “сенсация” бўларди.

Мақоланинг учи теккан корхона, ташкилот, муассаса ёки унинг мансабдор шахслари мақолада билдирилган фикрларга нисбатан муносабат билдириб, ўз камчиликларини бартараф этар эдилар.

МУҲОКАМА

Ҳозирги кунда дунё бўйича коррупциянинг даражасини ўлчашнинг бешта асосий усули қўлланилади. Коррупция билан шуғулланадиган шахсларнинг аксарият қисми ўзларининг шахси ва фаолияти сир тутилишини истаганликлари нуқтаи назаридан коррупция ҳақида аниқ ва батафсил маълумот олиш жуда мураккаб ва қийин масала. Дунё мамалкатлари орасида ўлчов усуллари орасида энг кенг тарқалгани коррупцияни идрок этишни баҳолаш ҳисобланади ва бунга мисол тариқасида “Transparensy International” халқаро ташкилотининг коррупцияни идрок этиш индекси, Жаҳон банкининг коррупцияни бошқариш индексини мисол тариқасида келтириш мумкин.

Ўлчашнинг яна бир кенг тарқалган усули бу коррупцияни баҳолаш бўйича сўров усули (“Transparensy International” халқаро ташкилотининг глобал коррупция барометри ва Жаҳон банкининг бизнес сўрови) У мамлакатда коррупция муаммолари билан боғлиқ тажрибаси тўғрисида фирмалар ва аҳоли ўртасида сўров ўтказишдан иборатдир.

“Коррупция” ҳодисасини тегишли органлар томонидан бевосита кузатиш ҳам мамлакатдаги коррупцияни баҳолаш усулларида бири сифатида қўлланилади. Масалан, Индонезия давлатида тўққиз ой муддат давомида тадқиқотчилар юк машиналари ҳайдовчиларининг кийимини кийиб, одатий йўналишлар бўйлаб, юк машиналари ҳайдовчиларини кузатиб боришган ва юк машиналари ҳайдовчилари полиция назорат пунктида тўхтаганларида қанча тўлашганлигини қайд этиб боришган. 300 тадан ортиқ саёҳатлар давомида улар 6000 дан ортиқ ноқонуний тўловлар амалга оширилганлигининг гувоҳи бўлишган. Натижада ноқонуний тўловлар умумий саёҳат харажатларининг 13 фоизини ташкил этганлигини маълум бўлган. Ушбу усулнинг ноқулай жиҳати шундан иборатки, у кўп вақт ва молиявий харажатларни талаб қилади.

“Transparensy International” халқаро ташкилотининг коррупцияни идрок этиш индекси бўйича Ўзбекистон Республикаси 2010 йилда 16 балл билан 172-ўринни, 2019 йилда эса 180 та давлатлар қаторида 153-ўринни эгаллаган. Бу Ўзбекистон давлатининг ижобий динамикага эришганлигидан далолатдир. “Transparensy International” халқаро ташкилотининг халқаро коррупцияга қарши курашиш барометрининг 2016 йилдаги маълумотларига кўра, Ўзбекистондаги респодентларнинг атиги 18 фоизи пора бергани ҳақида хабар берган ва уларнинг атиги 23 фоизи коррупцияни мамлакатдаги учта жиддий муаммолардан бири

сифатида қайд этган. Аҳоли ўртасида энг кўп коррупцияга йўл қўйиладиган соҳалар бўйича ўтказилган ижтимоий сўров натижаларига кўра, респодентларнинг 17 фоизи уларга пора берганлигини тан олганлиги сабабли йўл-патрул ходимлари, респодентларнинг 16 фоизи уларга пора берганлигини тан олганлиги сабабли таълим ва тиббиёт ходимлари энг коррупциялашган соҳа вакиллари сифатида эътироф этилган. “Коррупция тўғрисидаги хабар беришга нима тўсқинлик қилади?” деган саволга респодентларнинг 39 фоизи бу саволга жавоб бера олмаслигини, 17 фоизи эса “Салбий оқибатлардан кўрқиш туфайли” дея билдиришган.

“Ижтимоий фикр” марказининг жамоатчилик фикрини ўрганиш натижалари шунини кўрсатадики, Ўзбекистон Республикасида аҳолининг 43,7 фоиз фикрига кўра, 2018 йилда соғлиқни сақлаш ва тиббиёт соҳаси, кейинги ўринда аҳолининг 39,4 фоиз овози билан таълим ва аҳолининг 12,2 фоиз овози билан солиқ соҳаси коррупция ва порахўрликка энг кўп мойил бўлган соҳалар қаторига киритилди. Айти шу марказ томонидан ўтказилган “Жамоатчилик фикри кўзгусида коррупцияга қарши курашиш” сўров натижаларига кўра 2018 йилда соғлиқни сақлаш тизими, ишга қабул қилиш жараёни, олий ва халқ таълими тизими, кейинги ўринда эса судлар, прокуратура органлари, солиқ органлари ва санитария-эпидемиология назорати Ўзбекистон бўйича энг кўп коррупцияга йўл қўйиладиган соҳалар қаторига киритилди.

Бирлашган Миллатлар ташкилоти томонидан 2009 йил 9 декабрь куни Мексиканинг Мери шаҳрида коррупцияга қарши курашда давлатлар ўртасидаги алоқаларни янада кучайтириш мақсадида конференция ташкил этилди. Бу конференция давомида 100 дан ортиқ давлат томонидан Коррупцияга қарши конвенция имзоланди. Мазкур конференцияда БМТ томонидан 9 декабрь санаси бутун дунё бўйича коррупцияга қарши курашиш куни деб эълон қилинди. Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 7 июлдаги ЎРҚ 158-сонли қонунига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси БМТнинг Коррупцияга қарши конвенциясини ратификация қилган, унга кўра Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси, Ички ишлар Вазирлиги, Давлат хавфсизлик хизмати, Адлия вазирлиги коррупциянинг олдини олиш бўйича аниқ чора-тадбирлар ишлаб чиқиш ва уларни амалга оширишда бошқа иштирокчи давлатларга ёрдам кўрсатиши мумкин бўлган органлар сифатида белгилаб қўйилган.

Барчамизга маълумки, 2020 йилнинг 29 июнь куни Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонида кўра, Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиш агентлиги ташкил этилди. Бу давлат бошлиғининг бутун дунё мамлакатлари ўртасида ҳам коррупция масаласи энг долзарб муммолардан бири эканлиги, коррупциянинг олдини олиш

ва унга қарши курашиш давлат ва жамият тараққиёти учун муҳим қадамлардан эканлигини теран ҳис қилганлигидан далолатдир.

НАТИЖА

Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиш агентлигининг директори А.Бурхонов томонидан берилган маълумотларга кўра, агентликни ташкил этиш жараёнлари бошлангач, мазкур агентликка ишга кириш истагини билдирган 13.000 нафар фуқаролардан аризалар келиб тушган. Шулардан атиги 146 киши тест синовларига қўйилган. 4 та йўналиш бўйича 50 саволни ўз ичига олган тест синовлари ўтказилди, коррупцияга қарши курашиш саводхонлиги (25 та савол), дунё ва Ўзбекистондаги сиёсат (10 та савол), мантиқий фикрлаш (10 та савол), тарих ва фалсафа фанлари бўйича (5 та савол) бўлган. Дастлаб комиссия 65 баллдан юқори бўлган номзодларни кейинги босқичга ўтказиш тўғрисидаги қарор қабул қилган, аммо тест натижалари шуни кўрсатганки, атиги 7 киши 65 баллдан юқори балл тўплаган. Шу сабабли комиссия ўтиш балини 56 баллгача камайтиришга қарор қилди. Натижада 55 баллдан юқори балл тўпланган 23 киши кейин босқичга ўтган. Охир оқибатда 30 нафар иш ўрнига 23 нафар киши синовдан ўтган. Улар яна икки босқичдан, яъни психофизиологик тест ва суҳбатдан ўтишган. Синовдан ўтмаган 123 нафар киши кадрлар захирасига киритилган.

ХУЛОСА

Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш соҳасида олиб борилаётган қатор ислохотлар давлат жамиятни, давлат бошқаруви ва хўжалик органларини мазкур иллатдан холи бўлиши учун курашаётганлигидан далолатдир. Бизнинг фикримизча, коррупцияга қарши курашишда аҳолининг ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, жамоатчиликни жалб қилиш, коррупциянинг салбий оқибатларини оммавий ахборот воситалари орқали жамоатчилик эътиборига етказиш мақсадга мувофиқ бўлади. Ўзбекистон Республикаси дунёнинг ривожланган мамлакатлари синовидан ўтган коррупцияга қарши курашиш усуллари ва услубларидан фойдаланган ҳолда коррупцияга қарши курашиш борасида ижобий натижаларни қўлга киритишига умид билдириб қоламиз.

REFERENCES

1. Х.Шорахмедов. “Коррупция даражаси мамлакат тараққиёти ва демократиянинг кўрсаткичи ҳисобланади”- Акмал Бурхонов. Газета.uz
2. Коррупция: унинг тарихий илдизлари, коррупцияга қарши курашиш усуллари